

ISSN: 2181-4031

DOI Journal 10.56017/2181-4031

2023

ISSUE 9  
SEPTEMBER

JOURNAL OF

FUNDAMENTAL

STUDIES

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ  
ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

JOFS



IMFAKTOR

ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 9-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-9

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-9

ТОШКЕНТ – 2023

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 9 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-9>

## Бош муҳаррир:

Тураев Б.

– фалсафа фанлари доктори, профессор

## Масъул муҳаррир:

Расулова Д.

– иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

## Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А.

– иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Д.

– иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исҳоқов М.

– тарих фанлари доктори, профессор

Каримов Б.

– тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т.

– юридик фанлар доктори, профессор

Баҳодиров Р.

– фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров И.

– фалсафа фанлари доктори, профессор

Идиоров У.

– сиёсий фанлар доктори, профессор

Сатторов А.

– сиёсий фанлар номзоди, доцент

Умаров А.

– социология фанлари доктори, профессор

Каюмов К.

– социология ф.б.ф.д (PhD), доцент

Ҳайдаров Ўрал Ахмадович

– иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD), доцент

Мусаев Джамалиддин Камалович

– юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент

Жамолдинов Хумоюн Бахтиёрбек ўғли

– юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент в.б

Узакова Зарина Фуркатовна

– социология ф.б.ф.д (PhD), доцент

Шарипов Дилшод Бахшиллов

– сиёсатшунос, эксперт

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал 6 та халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдурахмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: [www.imfaktor.uz/com](http://www.imfaktor.uz/com)

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

© “IMFAKTOR Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

**ШАРИПОВ Дилшод Бахшиллоевич**

*Бухоро давлат педагогика институти  
“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси*  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.8333161>

## “УЙҒОНИШ ДАВРИ” ИНГЛИЗ МАЪРИФАТИДА ТИНЧЛИК ЛОЙИҲАСИ

### АННОТАЦИЯ

Ушбу тадқиқот ишида “Уйғониш даври” инглиз маърифатпарварларидан Жон Беллерс ва Иеремия Бентамнинг тинчликка оид қарашлари, ғоялари акс эттирилган. Бунда Ж.Беллерснинг “ижтимоий ислоҳот” (назарияси) асосчиси ҳисобланиши, халқаро ташкилотлар яратиш ва тинчликни ҳимоя қилиш (назариясининг) биринчи асосчиси, ўзининг тинчлик концепциясида диний бағрикенгликни тинчлик ўрнатишнинг асоси деб қараш ҳақидаги позициялар, шунингдек, ўлим жазосини бекор қилиш ғоясини илгари сурган илк маърифатпарвар олим сифатидаги сиёсий қарашлари таҳлил қилинган. Бундан ташқари, Иеремия Бентамнинг “Халқаро ҳуқуқ ва тинчликнинг принциплари” асарининг 2 – қисми, яъни асосий қисми – умумжаҳон ва узоқ давом этувчи тинчликни ўрнатиш усуллари ва воситалари илмий-назарий, методологик жиҳатларининг аҳамияти очиб берилган.

**Калит сўзлар:** континент, мустақкам тинчлик, ижтимоий ислоҳот, ўзаро ҳамкорлик, монархлар, ички суверенитет, халқаро ҳуқуқ, тинчлик принциплари, умумжаҳон ва узоқ давом этувчи тинчлик ғояси, ҳамжиҳатликнинг умумий принциплари, инсон ақли, тинч ҳаёт.

## ПРОЕКТ МИРА В АНГЛИЙСКОМ ПРОСВЕЩЕНИИ «ЭПОХА РЕНЕССАНСА»

### АННОТАЦИЯ

Данная исследовательская работа отражает взгляды и идеи Джона Беллера и Иеремии Бентама, двух английских просветителей периода «Ренессанса». При этом Дж. Беллерс считается основоположником «социальной реформы» (теории), первым основоположником создания международных организаций и защиты мира (теории), позиция, согласно которой он в своей концепции рассматривает религиозную толерантность как основу мира. мира, а также первым выдвинул идею отмены смертной казни. Проанализированы его политические взгляды как просвещенного учёного. Кроме того, часть 2 «Принципов международного права и мира» Иеремии Бентама, т.е. основная часть, раскрывает значение научно-теоретических и методологических аспектов методов и средств установления всеобщего и прочного мира.

**Ключевые слова:** континент, прочный мир, социальная реформа, взаимное сотрудничество, монархи, внутренний суверенитет, международное право, принципы мира, идея всеобщего и прочного мира, общие принципы гармонии, человеческий разум, мирная жизнь.

## A PROJECT OF PEACE IN THE ENGLISH ENLIGHTENMENT "AGE OF RENAISSANCE"

### ANNOTATION

This research work reflects the views and ideas of John Bellers and Jeremiah Bentham, one of the "Renaissance" English enlighteners. In this, J. Bellers is considered the founder of "social reform" (theory), the first founder of the creation of international organizations and peace protection (theory), in his concept of peace, he views religious tolerance as the basis of peace, as well as the first to put forward the idea of abolishing the death penalty. His political views as an enlightened scientist were analyzed. In addition, part 2 of Jeremiah Bentham's "Principles of International Law and Peace", i.e. the main part, reveals the significance of the scientific-theoretical and methodological aspects of the methods and means of establishing universal and long-lasting peace.

**Key words:** continent, durable peace, social reform, mutual cooperation, monarchs, internal sovereignty, international law, principles of peace, the idea of universal and lasting peace, general principles of harmony, human reason, peaceful life.

Инглиз маърифати ("Уйғониш даври"да инглиз маърифати, француз маърифати каби фарқлашлар мавжуд бўлиб) француз маърифати янглиғ ўта радикал эмасди. Инглиз маърифати тобора яқинлашган революция арафасида ривожланди. Ваҳоланки, Англия уни "кўриб бўлганди". XVIII асрда Англияда пайдо бўлган тинчлик лойиҳалари анъанавий равишда ҳукмдорлар ақлига мурожаат қилди. Бундай ижодкорлар орасида Жон Беллерс ва Иеремия Бентам машҳур бўлди.

"Уруш – вафот этувчиларни қамраб олувчи улуғ бахтсизликдир", деб ёзганди Жон Беллерс (1654-1725). Айтиладики, Ж.Беллерс XX асрда ўз ватанидан ҳам кўра Собик Иттифокда машҳур бўлган. Сабаби у меҳнатни ташкил қилиш, бунинг учун махсус ва узвий бўлган таълим тизимини яратиш ва энг асосийси ижтимоий утопия назариётчиларидан бири бўлганлигидир, бу ҳақда алоҳида монографиялар нашр этилган [1].

Биринчи навбатда камбағаллик, ишсизлик, одамларнинг касалликлари ва жиноятига оид ўз даврига нисбатан анча ривожланиб кетган фикри уни машҳур қилган. Шунингдек, у ижтимоий давлат назариётчиларидан бири ҳисобланади. Бир манбада Ж.Беллерс *халқаро ташкилотлар яратиш ва тинчликни ҳимоя қилиш (назариясининг) биринчи асосчиси*, деб кўрсатилган [2].

*Эдуард Бернштейн* эса ўз китобида махсус бир боб бағишлаб, уни "Жон Беллерс: камбағаллик ҳимоячиси ва Миллатлар Лигаси ўрнатувчиси" деб атаган [3, Б.694-718]. Лекин нимагадир, фан тарихида Ж.Беллерс халқаро бирлашмалар тузиш тарихи ва тинчлик назарияси бўйича XX асрларгача кўп эсланмади.

Аслида Жон Беллерснинг "Европа давлатларини тузишнинг айрим асослари" (1710) асарида бутун дунёда тинчликка эришиш ғояси асосланганди. Бу XVIII асрда пайдо бўлган "абдий тинчлик" бўйича дастлабки лойиҳалардан ҳисобланади. Маълумки, бу асрда дастлаб аббат Сен-Пьер (1712) ва аср охирида эса И.Кант (1795) асарлари машҳур бўлган. Инглиз олими *В.Клиффорд* Ж.Беллерс ва унинг тинчлик лойиҳаси аҳамиятини тадқиқ этиб, "умуман унутилган фигура" деб таърифлайди. Албатта, Ж.Беллерс замондоши ва дўсти У.Пеннга нисбатан машҳур бўлмаган, чунки охириги шахс Пенсилвания асосчиси ва тинчлик масалаларида сермаҳсул ёзувчи ҳам бўлган ва 1653 йилда ўзининг "тинчлик лойиҳаси"ни тақдим этганди. *Зилбернер* У.Пенн ғояларининг Ж.Беллерсга катта таъсири бўлганини ёзган [5, Б.141.].

Бошқа томондан қараганда эса Ж.Беллерснинг тинчликка оид бой қарашлари Сен-Пьер ёки У.Пенн фикрлари каби ўз даврининг урушларини инкор этиш билан ҳам боғлиқдир – чунки бу давр Испания мероси бўйича машҳур жангу жадаллар бўлаётганди [6, Б.581-582].

Тарихчи *П.Брок* тадқиқоти бўйича, *Ж.Беллерс* тинчлик ўрнатиш бўйича *Людовика XIV*га қарши *Англия, Нидерландия ва Австриянинг иттифоқи* гоёсини илгари сурди [7, Б.82.].

*Сен-Пьерга* ўхшаб, *Ж.Беллерс* “навбатдаги умумий тинчлик” юқорида эслатилган урушни тугаши билан ўрнатилади ва бу тинчлик “абдий бўлиши мумкин”(бу охири жумла 1710 йилдаги “тинчлик лойиҳа”сининг дастлабки жумласи бўлди) – тинчликни излашга кетган вақтини эса *Ж.Беллерс* “жуда фойдали давр” деб атайди.

*Ж.Беллерс* “*ижтимоий ислоҳот*” (назарияси) асосчиси ҳисобланади, шу сабабли ҳам ундан таъсирланганлар XIX асрнинг энг машҳур шахсларига айланишган ва “Капитал”да “тенгсиз феномен” деб атаган [8, Б.81].

1695 йилдан то вафотига қадар (деярли 30 йил мобайнида) *Ж.Беллерс* 20дан ортиқ асар ёзган. Улардаги асосий ғоялар инсон жамиятини ривожлантириш, уруш, қабағаллик, ишсизлик ва касалликлардан етадиган зарарларни камайтиришга бағишланганди. Жамиятда иш ўрнини яратиш мақсадида “саноат мутахассисликларига мўлжалланган” коллежлар очиш таклифи *Ж.Беллерс*нинг сеvimли мавзуси бўлган. Бундан ташқари, *Ж.Беллерс* янги миллий соғлиқни сақлаш тизими, мактаб таълимини яхшилаш ва ҳаттоки, жиноятларга барҳам бериш бўйича қонунчилик ғояларини илгари сурган. *Ж.Беллерс* “*ўлим жазосини бекор қилиш гоёсини илгари сурган илк олим ҳамдир*” [9, Б.151].

*Г.Кларк*нинг тадқиқоти бўйича, бу ғояни *Ж.Беллерс* 1699 йилда илгари сурган, ундан 65 йил ўтиб эса *Беккариа* “*Камбағаллик қиссалари...*” номли асарининг “*Жиноятчиларни жазолаш бўйича айрим эътирозлар*” бобида таъкидлайди [10, Б.102-103].

Бундан ташқари, *Ж.Беллерс* сайлов тизимини ислоҳ қилиш ва унда сиёсий раҳбарлардан энг яхшилари сайлаш орқали жамиятда муносиблилар таъминланиши ҳақидаги ғояларни ҳам илгари сурди. Айримларнинг фикрича, “саноат мутахассислари коллежи” схемасини яратиш қарийб икки юз йил ўтиб, “саноат соҳасидаги ҳамкорлик ташкилоти асосида тинчликка эришиш замонавий ҳаракатларини яратганини” [11], таъкидлашади. *Сен-Пьер* каби, *Ж.Беллерс*да ҳам инсониятнинг бахт ва фаровонликка эришиш ғояси ҳам мавжуд. *Ж.Беллерс* “*инсониятнинг умуминсоний фаровонлиги*” ғоясини илгари сурди.

*Жон Беллерс* “Европа давлатларини тузишнинг айрим асослари” (1710) асарининг кириш қисмида ушбу асарни ўз давлатининг фаровонлигига эришишига қўмаклашиш ва “инсониятнинг равнақи учун” ёзганлигини таъкидлайди. Модомики, *Сен-Пьер* “тинчлик лойиҳаси”га бағишланган асарининг 3-жилдида тинчлик ҳамжамияти ташкилотидан Туркияни чиқариб ташлаган бўлса, *Ж.Беллерс* “лойиҳа”сида Туркияни қўшишни таклиф қилган(худди *У.Пенн* сингари) Ушбу таклифи сўнгида *Ж.Беллерс* *Генрих IV* нинг “тинчлик режаси”даги “московитлар ва усмонийлар”ни Европа тинчлик ҳамжамиятидан чиқариб ташлаш ҳақидаги қароридан норозилигини ва буни “Рим империяси билан навозиш қилиш” деб қайд этади. “Московитлар моҳиятан христианлардир, мусулмонлар эса – бошқа шахслар каби бир хил хусусият ва ҳиссиётга эга одамлар бўлса... – уларнинг бошини олмоқ – катта хато, бунинг учун Европа урушнинг катта оғирлиги остида қолади; бундан ташқари, қанчалик **Фуқаролик Иттифоқи** тузиш имконияти бўлса, шунчалик ерда тинчлик ва одамлар орасида эзгу ирода ҳукмрон бўлади”, дейди *Ж.Беллерс* [14, Б.153].

*А. Рут Фрай* фикрича, *Ж.Беллерс*нинг эслатилган асари “ўз тасаввуридан келиб чиққан амалий тавсиялардан иборат бўлиб, маънавий дунёқарашга оиддир. У утопия реал воқеликка айланиши мумкин, деб ҳисоблаган”, дейди [15, Б.21.].

*А. Рут Фрай* тадқиқоти бўйича, *Ж.Беллерс*нинг ўзи “яхши инсон” бўлгани, ўзининг Худотарслиги, ғамхўрлиги ва атрофидаги одамларга меҳр кўзи билан қаровчи шахс бўлганлигини ёзади. У ёшлигидан инсонсеварлик бошламаларида иштирок этган; квакерлар – диндошлар ҳаракати тарафдори бўлган ва 1689 йилги дин эркинлиги актига қадар ўзи ҳам бир неча бор ҳибсга олинган.

Бундан ташқари, Ж.Беллерс ўз юртида қаттиқ таъқибга учраган *француз гугенотларини* қутқаришга ҳомийлик қилган, 1685 йилги “*Нант эдикти*” (*Нант қарори*) бекор бўлгунча, уларнинг бир қисми океан ортига ўтиб кетишларига қўмаклашган (Нант эдикти – гугенотлар уйларига ҳарбийларни жойлаштиришни ва ҳарбийларнинг “қутқуси” билан одамларнинг католик динига мажбуран ўтишларини англатади)[16, Б.42-50].

Бу қаттиқ сиёсат “драгоннад” деб аталган. Уильям Пенн (Пенсилвания асосчиси ва ҳукмдори) Пенсилвания колониясидаги бошқарув кенгашига 1685 йилда мактуб йўллаб, Ж.Беллерс французлар учун у ерда ер сотиб олгани ва бошига кулфат тушган бу одамларни “келажақда ҳам бу ерда қолишларига рухсат беришларини” сўраган. Айнан бағрикенгликнинг мавжуд эмаслиги У.Пеннинг “муқаддас тажриба”ни ўз колониясида ўтказишга асос бўлган, у илк марта амалий ҳаётда у ерда диний бағрикенгликка йўл очган.

Ж.Беллерс эса ўзининг тинчлик асарида **диний бағрикенгликни тинчлик ўрнатишнинг асоси** деб қарайди. Бунинг учун Ж.Беллерс *Европа давлатларининг Бош Иттифоқи* ёки *Йигинини* чақириш кераклигини ва христиан динининг йўналишларидан қатъий назар, **ҳамжиҳатликнинг умумий принциплари**ни ишлаб чиқиш кераклигини таклиф қилган. Бош ғоя эса Европа давлатлари “ҳаттоки, уларнинг осмон гумбазига борар йўллари ҳақидаги қарашлари турлича бўлса ҳамки томонлар ва қўшниларга шафқатли бўлишсин”, деб танланади ва бу ўз ватанида ва чет элларда урушларга барҳам бериш йўли эканлиги таъкидлаган. Ушбу таклиф Ж.Беллерс 7 боблик китобининг 5-қисмига таълуқли бўлиб, шу бобда “тинчлик лойиҳаси”ни тақдим этади. 6- боби эса Генриха IV нинг “тинчлик режаси” муҳокамасига бағишланган. Ж.Беллерс “агар христианлар барча конфессиялар учун умумий бўлган асосий принципларга диққат қилишса, уларни ажратиб турувчи иккиламчи томонларга эмас, унда уларнинг давлатлари ҳозирдаги каби камбағаллик ва вайронагарчиликдан азоб чекмасдан, тинчликда гуллаб яшнайдилар”, деб таъкидлайди. Қирол Генриха IV нинг протестантлар ҳақида чиқарган қарори – икки йўналишнинг биргаликда мавжуд бўлиши ҳақидагиси – Беллерсни қувонтирган.

1714 йилда Ж.Беллерснинг Сен-Пьер “Тинчлик лойиҳаси”га шарҳи эълон қилинади. Мутахассисларнинг фикрича, Ж.Беллерснинг шарҳи инглиз тилида нашр қилинган биринчи ва ягона шарҳлар бўлиб келган экан. *Мэй Воллис (May Wallace)* бир мақоласида таъкидлашича, Ж.Беллерснинг 1714 йилги (шарҳ) таржимаси ҳеч қачон қайта нашр этилмаган, эҳтимолки, китобхонлар учун қизиқарли бўлмагандир [17, Б.213.].

Ж.Беллерс юқорида эслатилган шарҳини “Медицинани мукаммаллаштириш ҳақида”ги асарининг охирига қистириб ўтади. Ж.Беллерс унда ёзган: “Француз Академияси аъзоси, аббат Сен-Пьер томонидан умумевропа давлатлари ва Сенати устунлиги ҳақида(ги ғоялар) ажойиб тарзда битилган. Улар “Европада абадий тинчлик ўрнатиш лойиҳаси” деб инглиз тилига ўгирилиб нашр этилган”.

Ж.Беллерс Сен-Пьернинг “Тинчлик лойиҳаси”ни зўр иштиёқ билан олқишлайди ва епископ Родезский ва Уильям Пенн “тинчлик лойиҳа”ларидан ўзга яна яхшироқ ғоялар мавжуд эмаслигини ёзади. Ж.Беллерс алоҳида таъкидлайди: “Агар қайсидир жентелменга ушбу масалада (яъни, абадий тинчлик ўрнатиш ҳақида – Д.Б.Шарипов) бошқа қарашлар маълум бўлса, бундай “тинчлик лойиҳаси”га қўшимча юк юклаш учун ва Европада бахтли кунлар келиши учун, улар нашр этилиши керак” [19, Б.74].

**Жон Беллерс** XVIII аср бошларида Европа подшоҳларига мурожаат қилиб, *континентда мустаҳкам тинчликни ўрнатишга чақириб қолди*. 1710 йилда Ж.Беллерснинг тинчлик лойиҳаси аноним ҳолда нашр этилади [20].

У.Пеннга ўхшаб, Ж.Беллерс **тинчликни сақлаш бўйича ўзаро ҳамкорлик монархларнинг давлат ичкарисида суверенитетини мустаҳкамлайди**, деб ҳисоблаган. Ж.Беллерс тинчлик лойиҳасида халқаро масалаларни ҳал қилувчи *Сенат тузиш*ни ва бунинг учун *Европа Конгрессини чақириш*ни таклиф қилди [21, Б.16].

1786 – 1789 йилларда *Иеремия Бентам “Халқаро ҳуқуқ ва тинчликнинг принциплари”* асарини ёзди. Асар 1843 йилда муаллиф вафотидан кейингина нашр этилган. И.Бентам бу асарининг биринчи қисмида урушнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганади. Унинг фикрича, уруш, шундай деб топиладики, шу ҳолат ҳақиқатан ҳам бўлса ёки бир давлат фуқароларининг бошқа давлат фуқароларининг шахсий манфаатлари соҳасида фарз қилинган ҳуқуқларини чеклаб қўйса/камситса.

И.Бентам давлатлар ўртасидаги баҳсларни 10 та вариантга бўлади:

- 1) имтиёзли ҳуқуқлар тўғрисида;
- 2) чегаралар тўғрисида;
- 3) территориял ҳуқуқлар тўғрисида;
- 4) босқинчилик юришлари тўғрисида;
- 5) савдода монополия ўрнатиш тўғрисида;
- 6) босиб олишдан олдинги қўрқув тўғрисида;
- 7) янги “очилган” ерлар тўғрисида;
- 8) ички исёнларда иштирок этиш, янгидан тузилган ҳукуматни тан олмаслик тўғрисида;
- 9) диний;
- 10) бошқарув доираларининг ғаразли мақсадлари ҳақида [22, Б.16-17].

И.Бентамнинг ушбу масаладаги хулосаси қуйидагичадир: “урушларнинг келиб чиқиш сабаблари сиёсатдан илдиз отади, психологиядан эмас. Шунинг учун ҳам сиёсий муносабатларни қайта кўриб чиқиш керак”.

Иеремия Бентам *“Халқаро ҳуқуқ ва тинчликнинг принциплари”* асарининг 2 – қисми, яъни асосий қисми – *умумжаҳон ва узоқ давом этувчи тинчликни ўрнатиш усуллари ва воситалари таҳлилига бағишланган.*

И.Бентамнинг тинчлик лойиҳаси ўз даври учун фавқулодда мардонавор 3та ғояни жамлади:

- 1) қуролланишни камайтириш;
- 2) мустақамлака(колония)ларни озод этиш;
- 3) сирли/махфий дипломатиядан воз кечиш.

Мутахассислар И.Бентам ижодини таҳлил қилиб, унинг юқоридаги ғояларини ўз даври учун олдинлаб кетиш ва мўътадил маърифатпарварлик доирасидаги дунёқараш, деб таърифлашади [23, Б.17].

Иеремия Бентам инсоннинг ақли ва меҳрибон ҳиссиётига ишонган. У тинч ҳаётнинг устунлигини ишончли тарзда кўрсатган ва (инсонни) соғлом фикрга чақириб қолган, яъни тинч ҳаёт устунлигини тан олишни соғлом фикр деб, ҳисоблаган.

Умумий таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, “Уйғониш даври” инглиз маърифати худди шу давр немис маърифати [24] ёхуд француз маърифатида [25, Б.30-31] бўлгани каби умуминтақавий тинчлик, умуминсоний тинчлик ва ҳамжиҳатлик, ишонч ва дипломатия, бағрикенглик ва биродарлик каби ғоялар устуворлик касб этган.

Аслида деярли бир даврда яшашган бўлишса-да, Ж.Беллерс Жон Локк [26] ёки И.Бентам каби кўпгина олимлар диққат марказида бўлмаган.

Умуман олганда, “Уйғониш даври” инглиз маърифатида Ж.Беллерс ва И.Бентамнинг тинчликка оид қарашларининг ҳозирги кун тадқиқотлари учун назарий ва методологик манбалардан ҳисобланади ва ҳали, бу мавзудаги тадқиқот давом этиши керак, деб ўйлаймиз.

## ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES

1. Павлова, Т. А. Джон Беллерс и английская социально-экономическая мысль второй половины XVII в. М., 1979.
2. [http://www.antimilitary.narod.ru/antology/sborniki/2005\\_pavlova/7.htm](http://www.antimilitary.narod.ru/antology/sborniki/2005_pavlova/7.htm)
3. Bernstein. E. Geschichte des Sozialismus in Einzeldarstellungen. Stuttgart, 1895. Т. 2. (John Bellers, der Advokat der Armen und des Völkerbundes).
4. Cliftord-Vaughan. F. Some British Writers' Notions on Peace (16<sup>th</sup> — 18<sup>th</sup> Centuries) // Recueils de la Societe Jean Bodin pour l'Histoire Comparative des Institutions. La Paix — Peace. Paris, Dessain & Tolia, 1984 reprint, Vol. 2.
5. Silberner, E. La guerre dans la pensee economique du XVIe au XVIIIe siecle Paris, Sirey, 1939.
6. Ruysen, T. Les sources doctrinales de l'internationalisme. Vol. 2. Paris PUF, 1958.
7. Brock, P. The Quaker Peace Testimony 1660 to 1914. York, Sessions. 1990.
8. Brock, P. The Quaker Peace Testimony 1660 to 1914. York, Sessions. 1990.
9. Bliss D. P. (ed.). The Encyclopedia of Social Reforms. New York, 1897.
10. Clarke. G. (ed.). John Bellers. His Life. Times and Writings. London, 1987.
11. Knowles, G. W. Friends. Some Quaker Peace Documents 1654-1920. London, 1987. Peace Classics, Vol. 4. 1939.
12. Drouet. J. L'abbe de Saint-Pierre. Paris, 1912; 12/2. Goumy, E. Etude sur la vie et Ies Ecrits de l'Abbe de Saint-Pierre. Paris, 1859.; 12/3. Hinsley, F. H. Power and the Pursuit of Peace. Cambridge, 1963.
13. Drouet. J. L'abbe de Saint-Pierre. Paris, 1912.; 13/2. Goumy, E. Etude sur la vie et Ies Ecrits de l'Abbe de Saint-Pierre. Paris, 1859.; 13/3. Hinsley, F. H. Power and the Pursuit of Peace. Cambridge, 1963.
14. Clarke. G. (ed.). John Bellers. His Life. Times and Writings. London, 1987.
15. A. Ruth Fry. John Bellers 1654-1725. London. 1935.
16. Heater, D. The Idea of European Unity. Leicester, 1992.
17. Sur la fortune de l'abbe de Saint-Pierre en Angleterre au XVIIIe siecle // Revue de literature compare. Vol. 20. 1940. P. 209-216. Бу ерда.
18. Clarke. G. (ed.). John Bellers. His Life. Times and Writings. London, 1987.; Carrive, P. Un grand reformiste. Le quaker John Bellers (1654-1725) // Dix-Huitieme siecle. N 15. 1983.;
19. Bailay, S. D. Peace is a Process. Swarthmore Lecture 1993. London, 1993.
20. Some reasons for an European state Proposed to Powers of Europe. By an universal Guarantee and annual Congress, Senate, Duet or Parliament... In order to Prevent Broils and Wars at Home, when Foreign Wars are ended. London. 1710.
21. Трактаты о вечном мире. Составители: И.С.Андреева, А.В.Гулыга. Санк-Петербург. АЛЕТЕЙЯ. 2003.
22. Трактаты о вечном мире. Составители: И.С.Андреева, А.В.Гулыга. Санк-Петербург. АЛЕТЕЙЯ. 2003.
23. Трактаты о вечном мире. Составители: И.С.Андреева, А.В.Гулыга. Санк-Петербург. АЛЕТЕЙЯ. 2003.
24. ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ. I ЖИЛД, 8 – СОН. ШАРИПОВ Дилшод Бахшиллович. Абадий тинчлик ижтимоий фалсафа парадигмаси сифатида (Иммануэл Кантнинг тинчлик концепцияси мисолида).

**25.** «Тараккиёт тадқиқотлари: муаммо, тақлиф ва ислохотлар» мавзусидаги Республика кўп тармоқли илмий-амалий анжуманлари материаллари тўплами. 8-сон. III-қисми. 31 август 2023 йил. Тошкент: «ИМФАКТОР Pages», 2023. ШАРИПОВ Дилшод Бахшиллоевич. *Бухоро давлат педагогика институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси.* “УЙҒОНИШ ДАВРИ” ФРАНЦУЗ МАЪРИФАТИДА ТИНЧЛИК ҒОЯСИ.

**26.** ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ. № S/5 (3)-2023. Sharipov Dilshod Baxshilloevich, Buxoro davlat pedagogika instituti «Ijtimoiy fanlar» kafedrasida o'qituvchisi. JON LOKKNING TABIIY HOLAT VA TINChLIKKA OID QARASHLARI.

ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 9-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-9

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-9

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

Веб-сайт: [www.imfaktor.uz](http://www.imfaktor.uz)